

“Smart bank” АЖ  
Кузатув кенгашининг  
2024 йил “30” енвар даги  
30-01/1 - сонли йиғилиш баённомаси  
билин тасдиқланган

“Smart bank” АЖ  
Бошқарувининг  
2024 йил “19” енвар даги  
19-01/1 - сонли йиғилиш қарорига  
4-илова

SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazildi
	Ro'yxat raqami: <u>I-60</u>
	Sana: <u>31</u> <u>енвар</u> <u>2024</u> yil
	Imzo: <u>Муродов</u>

“SMART BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
ЭМИССИЯ СИЁСАТИ

Мазкур “Smart bank” акциядорлик жамиятининг эмиссия сиёсати (кейинги ўринларда Сиёсат деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ва амалдаги бошқа қонунчилик хужжатлари ҳамда “Smart bank” акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Сиёсат “Smart bank” акциядорлик жамияти (кейинги матнларда Банк деб юритилади)нинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти масалаларини мувофиқлаштиради.

2. Эмиссия сиёсати – Банкнинг қимматли қоғозлари муомалага чиқариш орқали ўз сармояси ва ресурс базасини кенгайтириш, шунингдек Банк пассивларини диверсификация қилиш орқали ўз ликвидлилигини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуидир.

3. Сиёсатда қуидаги атамалар ва тушунчалар қўлланилади:

**акцияларни қўшимча чиқариш** - Банкнинг бирламчи чиқарилган акциялар жойлаштирилгандан сўнг амалга ошириладиган акцияларнинг пайдо бўлишига қаратилган ҳаракатлари;

**андеррайтер фаолияти (андеррайтинг)** - эмитент ва андеррайтер (андеррайтерлар) ўртасидаги шартномада белгиланган шартлар асосида эмитент қимматли қоғозларини чиқарилишини ташкиллаштириш ва/ёки кафолатли жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш фаолияти;

**ёпиқ обуна** - қимматли қоғозларни олдиндан маълум бўлган, сони чекланган инвесторлар орасида оммавий эълон бермаган ва реклама компанияси ўтказмаган ҳолда жойлаштириш;

**очиқ обуна** - қимматли қоғозларни сони чекланмаган инвесторлар орасида рекламадан фойдаланган ҳолда жойлаштириш, шу жумладан қимматли қоғозларни оммавий таклиф этиш орқали жойлаштириш;


**эмиссиявий қимматли қоғозлар** - битта чиқарилиши доиласида бир хил белгилар ва реквизитларга эга бўлган, мазкур чиқарилиш учун ягона шартлар асосида жойлаштириладиган ҳамда муомалада бўладиган қимматли қоғозлар;

**ноэмиссиявий қимматли қоғозлар** - эмиссиявий қимматли қоғозлар тушунчасига оид бўлмаган қимматли қоғозлар;

**эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестри** (бундан кейинги ўринларда ЯДР деб юритилади) - рўйхатдан ўтказилган эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг рўйхати;

**эмитент** - эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарувчи ва улар юзасидан қимматли қоғозларнинг эгалари олдида мажбуриятлари бўлган юридик шахс;

**коэффициентлар таҳлили** – турли молиявий ҳисоботлар моддаларининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда уларнинг турли моддалари ўзаро



муносабатларини ўрганишдир;

**қимматли қоғозлар марказий депозитарийси** - депо ҳисобвараплари бўйича эмиссиявий қимматли қоғозларни сақлашнинг, бундай қимматли қоғозларга бўлган хуқуқларни ҳисобга олишнинг ва эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳаракатининг ягона тизимини таъминловчи давлат депозитарийси;

**қимматли қоғозларнинг муомаласи** - қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш, шунингдек қонун хужжатларида назарда тутилган, қимматли қоғозларнинг эгаси алмашувига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар;

**қимматли қоғозларнинг эмиссия рисоласи** (бундан кейинги ўринларда рисола деб юритилади) - эмитент ва у чиқарадиган қимматли қоғозлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек инвесторнинг қимматли қоғозлар олиш тўғрисидаги қарорига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ахборотни акс эттирувчи хужжат;

**қимматли қоғозлар эмиссияси** - эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш;

**қимматли қоғозларнинг янги чиқарилиши** - акциядорлик жамиятининг илгари чиқарилган қимматли қоғозлари тўлиқ жойлаштирилгандан сўнг номинал қийматининг камайиши, хуқуқларнинг ўзгариши, йириклаштириш ёки майдалашда қимматли қоғозларни пайдо бўлишига қаратилган ҳаракатлари;

## 2-боб. Эмиссия фаолиятининг мақсади ва стратегияси

4. Эмиссия фаолиятини амалга оширишдан асосий мақсад қимматли қоғозларни муомалага чиқариш орқали аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини Банкка жалб қилиш йўли билан Банк капиталини ошириш ва ресурс базасини ўстириш ҳамда пассивларини диверсификациялаш ҳисобланади.

5. Банк эмиссия фаолиятининг мақсадидан келиб чиқсан ҳолда қуйидаги эмиссия стратегияларини қўллаши мумкин:

узоқ муддатли эмиссия стратегияси, яъни узоқ муддатли пассивларни шакллантириш мақсадида муомалага узоқ муддатли қимматли қоғозларни чиқариш;

қисқа муддатли эмиссия стратегияси, яъни қисқа муддатли пассивларни шакллантириш мақсадида муомалага қисқа муддатли қимматли қоғозларни чиқариш;

муддатсиз эмиссия стратегияси, яъни акцияларни муомалага чиқариш орқали ўз устав капиталини кўпайтириш.

6. Юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини қисқа ва узоқ муддатларга жалб қилиш мақсадида Банк ўрнатилган тартибда қарз мажбуриятларини ифодаловчи қимматли қоғозларни муомалага чиқариши мумкин.

7. Қимматли қоғозларни муомалага чиқариш бўйича қарор қабул қилинишидан аввал қуидагилар аниқлаб олинади:

қимматли қоғозларни муомалага чиқаришдан асосий мақсад;

қимматли қоғозларни муомалага чиқаришдан кутилаётган самарадорлик;

эмиссия қилинаётган қимматли қоғозлар муомаласи билан боғлиқ амалиёти;

эмиссия қилинаётган қимматли қоғозлар бозори, сармоядорлар ва уларнинг инвестиция дастурлари, бозордаги мавжуд талаб ҳамда таклифни ўрганилганлиги ёки таҳлил этилганлиги;

эмиссия қилинаётган қимматли қоғозларнинг муомала даври ҳамда даромад ставкаларини банкнинг узоқ ва қисқа муддатли кредитлаш стратегиялари ҳамда жалб қилинган ресурслардан самарали фойдаланиш ва Банк маржасини ҳисобга олган ҳолда белгиланганлиги.

8. Муомалага чиқарилаётган ҳар қандай қимматли қоғоз тури бўйича эмиссия дастури пухта ва консерватив асосда ишлаб чиқилиши ҳамда унга нисбатан мўтадил сиёsat қўлланиши лозим.

9. Банк муомалага чиқарилаётган қимматли қоғозларни диверсификация қилиш орқали турли хатарини камайтиради ҳамда муомалага чиқарилган қимматли қоғозларни диверсификациялаш орқали Банк пассивларидағи хавф-хатарларини бошқариш орқали пасайтиради.

### **З-боб. Муомалага чиқарилиши мумкин бўлган қимматли қоғозларнинг турлари ва шакллари**

10. Банк амалдаги қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси худудида қуидаги турдаги қимматли қоғозларни муомалага чиқаришга ҳақлидир:

акция;

облигация;

депозит (омонат) сертификатлари;

қимматли қоғозларнинг ҳосилалари;


қонун ҳужжатлар билан тақиқланмаган бошқа турдаги қимматли қоғозлар.

11. Қимматли қоғозлар чиқарилиш шаклига кўра бланкалар тарзида ҳужжатли ва электрон шаклдаги ҳисобга олиш регистрларидағи ёзувлар тарзида ҳужжатсиз бўлиши мумкин.

Қимматли қоғозларнинг чиқарилиш шакли қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланади.

Акциялар, корпоратив ва инфратузилма облигациялари ҳужжатсиз шаклда чиқарилади.

12. Облигация, депозит сертификатлари, қимматли қоғозларнинг



хосилалари, вексел каби қимматли қоғозлар муомала муддати чекланган ҳолда амалдаги меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқ Банк томонидан муомалага чиқарилади. Акциялар эса чекланмаган муддатта муомалага чиқарилади.


#### **4-боб. Эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тұғрисидаги қарор**

13. Эмиссиявий қимматли қоғозларни муомалага чиқариш тұғрисидаги қарорда қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотлар күрсатилиши лозим.

14. Эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тұғрисидаги қарор қонун ҳужжатларига мувофиқ Банкнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланади.

15. Банкнинг мажбуриятлари бажарилишини гаров, банк кафолати ёки қонунда назарда тутилган бошқа усуллар билан қўшимча таъминланадиган облигацияларни чиқариш тұғрисидаги қарорда қўшимча таъминот берган шахс тұғрисидаги ва таъминотнинг шартлари ҳақидаги маълумотлар ҳам күрсатилиши лозим. Ушбу ҳолатда облигацияларни муомалага чиқариш тұғрисидаги қарор қўшимча таъминот берган шахс томонидан ҳам имзоланиши керак.

16. Рўйхатдан ўтказилган эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилиши тұғрисидаги қарорга ўзgartериш ва қўшимчалар киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.



#### **5-боб. Банк томонидан чиқарилаётган қимматли қоғозларга қўйиладиган талаблар**

17. Банк акцияларини чиқарилиши:

Банк чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим;

Банк акциялари фақат пул маблағларидан таркиб топади;

акцияларни кредитга, гаровга олинган ва бошқа жалб этилган маблағлардан фойдаланган ҳолда сотиб олиш тақиқланади;

Банк акциялари учун тўловлар қонунчиликда қўзда тутилган ҳолатларда бюджет ва бюджетдан ташқари Жамғарма маблағларидан шакллантириш мумкин.

18. Облигациялар чиқарилиши:

облигациялар чиқариш тұғрисида қарор қабул қилинган санадаги, аудиторлик ташкилоти хulosаси билан тасдиқланган ўз капитали миқдори доирасида;

кейинги уч йилда рентабеллик, тўловга қобилиятлилик, молиявий барқарорлик ва ликвидлиликнинг аудиторлик ташкилоти хulosалари билан тасдиқланган ижобий кўрсаткичларига эга бўлган, шунингдек қонун

хужжатларида белгиланган тартибда мустақил рейтинг баҳосини олгандан сўнг амалга оширилади.

19. Банк томонидан чиқариладиган депозит (омонат) сертификатлари бўйича ўрнатилган талаблар:

сертификатлар бланкалар тарзида хужжатли шаклда чиқарилади;

сертификатни товарлар олди-сотдиси ёки кўрсатилган хизматлар (ишлар) учун ҳисоб-китоб қилишда тўлов воситаси сифатида қўллаш мумкин эмас;

депозит сертификатларининг олди-сотдиси ва улар юзасидан суммаларни тўлашга доир пуллик ҳисоб-китоблар нақдсиз шаклда, омонат сертификатлари бўйича нақдсиз ҳамда нақд шаклда амалга оширилади;

сертификатларнинг қиймати Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади;

сертификатлар қисқа ва узоқ муддатга (сертификат берилган вақтдан бошлаб сертификат сақловчиси сертификат бўйича депозитни талаб қилиб олиш ҳукуқини қўлга киритиш вақтига қадар) чиқарилади.

#### **6-боб. Қимматли қоғозларни жойлаштириш**

20. Банк қимматли қоғозларни мустақил равища, шунингдек инвестиция воситачилари орқали жойлаштириш ҳукуқига эга.

21. Қимматли қоғозларни жойлаштириш қўйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

ёпиқ обуна йўли билан;

очиқ обуна йўли билан.

22. Банк чиқарилаётган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришни эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан бир йил ичida тугаллаши шарт.


23. Банк инвестиция воситачиларига эмиссиявий қимматли қоғозлар олингунига қадар инвесторни қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор, эмиссия рисоласи эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш шартлари билан танишиб чиқиш имконияти билан таъминлайди.

24. Депозит (омонат) сертификатларини жойлаштириш ва уларнинг муомаласи қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда Марказий банк томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **7-боб. Қимматли қоғозларни ўз вақтида сўндирилиши**

25. Банк ўзининг муомалага чиқарилаётган қимматли қоғозлари ҳамда ушбу масала юзасидан вужудга келадиган барча мажбуриятлар юзасидан ўрнатилган тартибда жавоб беради.

26. Эмиссия қилинган ҳамда қарз мажбуриятини ифодаловчи қимматли



қоғоз бўйича тўланиши лозим бўлган даромад ва қарзнинг асосий суммаси Банк томонидан тўлиқ тўлаб берилиши лозим.

27. Эмиссия қилинган қимматли қоғозлар бўйича Банк амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли захира фондларини шакллантириши мумкин.

### **8-боб. Қимматли қоғозлар ликвидлигининг таъминланиши**

28. Банк томонидан эмиссия қилинаётган ҳар қандай қимматли қоғознинг ликвидлиги таъминланиб турилиши лозим.

29. Эмиссия қилинаётган қимматли қоғозларнинг (акциядан ташқари) ликвидлилик даражасини таъминлаш мақсадида қимматли қоғознинг сўндириш муддати етиб келгунга қадар Банк сармоядор ёки мижоз билан ўзаро келишилган ҳолда ўрнатилган тартибда уни қайтиб сотиб олиши мумкин.

30. Қайтиб сотиб олинган ва сўндириш муддатлари етиб келмаган қимматли қоғозлар (акциядан ташқари) Банк томонидан иккиласми савдо амалиёти орқали бозорда қайта жойлаштирилиши мумкин.

31. Қимматли қоғозларни муомалага чиқарилиши муносабати билан вужудга келадиган хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида Банк уларни амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурта қилиши мумкин.

32. Қимматли қоғоз бўйича реал даромадлилик даражаси қимматли қоғознинг жозибадорлиги, бозор баҳосининг ўсиши ҳамда молиявий бозорнинг ҳолатига боғлиқланган ҳолда ўрнатилади.

### **9-боб. Якуний қоидалар**

33. Банкнинг тегишли раҳбар ва ходимлари томонидан мазкур Сиёсатнинг асосий йўналишларига тўлиқ риоя қилинмаган тақдирда уларга нисбатан амалдаги тартиб-қоидаларга асосан интизомий чоралар ўрнатилган тартибда қўлланилади.

34. Мазкур Сиёсатга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

35. Мазкур Сиёсат билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.



07-15/01-05

19.01.2024 йил

## ЮРИДИК ХУЛОСА

\*\*\*\*\*

(норматив-хукуқий ҳужжатни хукуқий экспертизадан  
үтказиш түғрисида)

Экспертиза үтказувчи	Юридик департаменти
Экспертизадан үтказилган меъёрий хужжат номи	“Smart bank” акциядорлик жамиятининг Эмиссия Сиёсати.
Экспертиза үтказишида фойдаланилган қонунчилик ва меъёрий хужжатлар	“Ўзбекистон Республиксининг Марказий банки түғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти түғрисида”, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш түғрисида”ги Конунлари, банкнинг Устави ва ички меъёрий хужжатлар.

Мазкур Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги  
қонунлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банк  
тизимида банкнинг қимматли қоғозлари муомалага  
чиқариш орқали ўз сармояси ва ресурс базасини  
кенгайтириш, шунингдек Банк пассивларини  
диверсификация қилиш орқали ўз ликвидлилигини  
таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Ушбу Сиёсатни ишлаб чиқишида қонунчилик техникаси  
қоидаларига риоя қилинган.

Юридик департаменти  
бошлиғи

М.Ғуломжонова

